

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

JOURNAL
2022

№3

Бош мұхаррир:

Пардаев А.Х. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош мұхаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Сайдов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хұжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Ахмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Х. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Фойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярматов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Сайдқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомилов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Сайдов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Гофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

Тарих ва Жамият илмий журнали
ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН
УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Касимова Зумрад Рахматовна-ЖДПИ,
фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими кафедраси

Аннотация: Глобаллашув жараёнининг салбий таъсирларидан бири ёшларнинг ахлоқий хулқ-автор меъёрларидан четга чиқишида намоён бўлмоқда. Ахборотнинг замонавий усуллари ёшларнинг фикрлаш қобилиятига жуда тез ва ҳар хил йўллар билан таъсир қилмоқда. Бунинг натижасида улар миллий урф-одат ва анъаналардан узоқлашмоқда, шунингдек, ёшлар ўртасида ушбу хавфли ҳодиса «оммавий маданият»нинг кенг тарқалишидан далолат беради. Мақолада талабаларни ўқитишида инновацион методларни қўллаш, ўқитиши жараёнини технологиялаштириш моҳияти очиб берилган, шунингдек, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашда ўқитиши жараёнини технологиялаштиришни жорий этиш йўллари ва уни ҳаётга тадбиқ этиш усуллари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, инновацион усуллар, янги педагогик технологиялар, мафкуравий иммунитет, оммавий маданият, мафкуравий тарғибот.

Abstract: One of the negative effects of globalization is manifested in youth deviation from the norms of moral behavior. Modern methods of information and incredibly fast in every possible way adversely affects the thoughts of young people. They do not like national customs and traditions, including stretches as -mass culture|. The article reveals the essence of one of the forms of innovative teaching students design, as well as consider ways to implement design techniques in the education of all-round development of personality and ways of translating it into life.

Key words: National values, universal values, innovative methods, new pedagogical technologies, ideological immunity, "mass culture", ideological attack.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажralmas қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганини билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга инновацион технологияларни жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Келажак тараққиёти бугунги ёш авлоднинг ақлий тафаккури, билим тажрибаси ва қасбий тайёргарлигига боғлиқдир. Ёшларни ҳаётда ўз ўринларини топиши, ўз салоҳиятларини эркин намоён эта олишлари ва уларни иш билан таъминлаш доимо давлатимизнинг дикқат эътиборида бўлиб

Тарих ва Жамият илмий журнали

келмоқда. Ҳар бир мамлакатнинг равнақи, унинг келажаги ва қудрати аввало ўша мамлакатнинг ёшларини қанчалик даражада илмли, интилувчан, ватанпарвар ва масъулиятли бўлиши билан боғлиқдир. Ҳозирги глобаллашув даврида пайдо бўлган ахборот тезлиги ва қўплиги, унинг тарқалиш йўлларини хилма-хиллиги ёшлар олдига мустақил дунёқараш, танқидий фикрлаш, ижтимоий фаоллик, ўз-ўзини англаш ва юрт тақдири унинг шаънига жавобгарлик каби хусусиятларни ўзлаштириш талабларини ҳам қўймоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёқ Биринчи Президентимиз “Фарзандларимиз бизданда кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт” деган ғояни илгари сурди. Айнан шу фикр орқали юртбошимиз баркамол инсонни тарбиялаш Ўзбекистон сиёсатининг устровер йўналишларидан бири эканлигини белгилаб берди. Дарҳақиқат, етук, ўз касби ва мутахассислигини чуқур билимдони бўлган, замонавий талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган ва юрт тақдирини ўз тақдири билан бирлигини ҳис қила оладиган, мамлакатимизда юз бераётган барча воқеликларга ўз дахлдорлигини тушуниб, шунга мувофиқ харакат қиласиган ёшлар бизнинг келажагимизни таъминловчи заминдир.

Ўзбекистонда ёшларга оид сиёсат, давлат сиёсатининг энг муҳим бўғинига айланди. 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ти Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллабқувватлаш тўғрисида”ти фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланади.

Мазкур фармонга кўра —мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиласиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш^[1] вазифаси белгилаб берилди.

Бу эса олий таълим олдига янги инновацион талаблар қўймоқда. Ҳозирги давр таълим тизимишининг барча босқичини асосий вазифаси меҳнат бозорининг узлуксиз равищда ўсиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Таълим жараёнларини замонавийлаштириш жаҳон талабларига мос мутахассисларни тайёрлаш, уларга таълим бериш ва таълим олувчини ўз ортидан эргаштира олиш учун бугунги ўқитувчига асосий касбий муаммоси бўлмоғи лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2606-сон қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Мустақиллик даврида давлатимиз томонидан ёшларга оид уч юздан ортиқ қонун хужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 7 минг 104 та мактабгача таълим маскани фаолият кўрсатмоқда. Кейинги 2 йил давомида 2 минг 211 та янги боғчалар ташкил этилиб, уларга қўшимча 243 минг бола қабул қилинди. Бошқача айтганда, юртимизда боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси сўнгги бир ярим йилда 12 фоизга ошиб, 38 фоизни ташкил этмоқда.

Биз яқин 4-5 йилда юртимиздаги боғча ёшидаги барча болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу – бизнинг аёлларимиз, болаларимиз олдидаги қарзимиз, керак бўлса, келажак олдидаги муқаддас вазифамиз ва биз уни албатта адо этамиз.

Олий таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия, Ҳиндистон, Италия, Сингапур, Латвия каби давлатларнинг 14 та университет ва институтларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, вилоятларда ташкил этилган республика олий ўқув юртларининг 23 та бўлими ҳам иш олиб бормоқда. Бугунги кунда юртимиздаги 81 та олий таълим масканларида ва 8 та филиалларда 373 минг 500 га яқин ёшларимиз таълим олмоқда. Улардан 168 минг 470 нафарини, яъни, 45,1 фоизини қизлар ташкил этиши алоҳида эътиборга лойиқ.|| [2]

“Айни шу мақсадда ўтган бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бевосита таълим-тарбия соҳасига дахлдор бўлган 74 та фармони, қарор ва фармойиши қабул қилинганини таъкидлаш ўринлиdir.

Албатта, соҳа ривожига юксак эътибор натижаси бўлган бу хужжатларни ҳаётга самарали жорий қилиш, уларга бамисоли жон баҳш этишда биз аввало сиз, азиз ўқитувчи ва мураббийларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингизга суюнамиз.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Бугунги кунда биз замон талаби ва халқимизнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқсан ҳолда, таълим тизимида улкан ислоҳотларни амалга оширишга киришдик. Жумладан, умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини оптималлаштириш, 5 та янги олий таълим муассасаси ва филиаллар ташкил этиш, 16 та университет ва институтда 12 та йўналиш бўйича кечки ва сиртқи бўлимлар очиш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш, педагог кадрлар ва халқ таълими ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбиқ этилаётган, узоқни қўзлаган ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини сиз, хурматли устоз ва мураббийлар албатта ҳаммадан кўра яхши тушунасиз.”[3]

Давлатимиз томонидан замон талабларига жавоб берса оладиган, ҳар томонлама билим ва касбий маҳоратга, кўникма ва малакага эга бўлган, ўз ҳаётини мустақил ташкил этишга қодир ва айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишига самарали таъсир кўрсата оладиган ёшлар тайёрлаш учун барча имкониятлар яратилди. Бундан мақсад эса ҳар бир ёшнинг жамиятда ўз орзу- истакларини рӯёбга чиқариши ва ўз ўрнини эгаллаши учун ёрдам беришдан иборат.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ўқитиши жараёнига қўйидаги талаблар қўйилмоқда:

- сифат, яъни ўқитишининг белгиланган даражасини эгаллаш;
- оммавий, яъни ўқитишининг белгиланган даражасини бир вақтнинг ўзида кўп сонли ўқувчилар эгаллашлари лозим;
- самарадорлик, яъни ўқитишига сарф қилинган харажатлар, албатта максимал самара бериши лозим.

Ушбу вазифаларни ечиш ўқитиши жараёнини технологиялаштиришга, инновацион ўқитиши технологияларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга олиб келади. Ўқитиши технологияси: - бу мавжуд шароит ва ўрнатилган вақтда белгиланган таълимий мақсадни амалга оширишни ва қўзлананаётган натижаларга кафолатли эришишнинг таъминловчи, ўқитиши, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг энг мақбул йўл ва воситаларининг тартибли йиғиндиси.

Ўқитища инновацион методларни қўллаш - бу ўқитиши жараёнига технологик ёндашиш асосида ўқитиши мақсадларига эришишнинг энг мақбул усул ва воситаларни тадқиқ қилувчи, қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир шунингдек, ўқитиши жараёнига технологик ёндашиш асосида таълимий мақсадларга эришишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони. www.press-service.uz

Тарих ва Жамият илмий журнали

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон хотин-қизлар байрамидаги табрик. 07.03.2019 йил. www.press-service.uz
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига кунидаги нутқ. 29.09.2018 йил. www.press-service.uz